



2018 yil "08" ЯНВАРЬ № 07

Farg'ona shahri

Вилоят ҳокимлиги муассислигидаги “Ўзбегим аёли” номли маънавий-маърифий, оилавий-маданий ва ҳуқуқий-ижтимоий журнали таҳририятини ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев раҳбарлигида юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий ва бошқа соҳадаги ислохотларнинг мазмун-моҳиятини мамлакат аҳолисининг кенг қатламларига тўлақонли ва ҳаққоний етказишни таъминлаш, юртимизда ва дунёда юз бераётган янгиликлар, воқеа ходисаларни тезкорлик билан ёритиш, фуқароларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада ошириш, аёллар ўртасида ҳуқуқий маданиятни ошириш, уларнинг сиёсий маданияти ва ижтимоий фаоллигини ошириш, шунингдек, оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ҳудудларда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамиятни маънавий-маърифий юксалтиришда аёлларнинг ролини янада кучайтириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонунига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят Маънавият ва маърифат кенгашининг вилоят ҳокимлиги муассислигида “Ўзбегим аёли” ижтимоий, маънавий-маърифий ва ҳуқуқий журнали таҳририятини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи инобатга олинсин.
2. Вилоят ҳокимлиги муассислигида “Ўзбегим аёли” номли маънавий-маърифий, оилавий-маданий ва ҳуқуқий-ижтимоий журнали (кейинги ўринларда – таҳририят деб юритилади) таҳририяти ташкил этилсин.
3. Вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси (У.Жабборов) таҳририятни белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.
4. Вилоят Марказий банк бош бошқармаси (Т.Қундузов) давлат рўйхатидан ўтказилган “Ўзбегим аёли” журналининг банкда ҳисоб рақами очилишини таъминласин.
5. Таҳририятнинг ташкил этилиши ва фаолиятини йўлга қўйиши билан боғлиқ барча ташкилий ишларни амалга ошириш ҳамда журналнинг ўз вақтида, сифатли, мазмунли чоп этилишини таъминлаш, шунингдек маблағлардан мақсадли фойдаланиш бош муҳаррир зиммасига юклансин.

6. Вилоят ҳокимининг ўринбосари И.Носировга:

уч кун муддатда таҳририятга бош муҳаррирлик лавозимига муносиб номзодлар бўйича таклифлар тақдим этиш;

вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси (У.Жабборов) билан биргаликда уч кун муддатда таҳририятнинг Низомини ишлаб чиқиш;

таҳририятни зарур моддий-техника баъзасини шакллантириш бўйича таклиф киритиш топширилсин.

7. Таҳририятга:

Вилоят Молия бошқармаси (С.Жўраев) билан биргаликда таҳририятнинг ташкилий тузилмаси ва штатлар жадвали ҳамда сақлаш ҳаражатлари сметасини тайёрлаш;

вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси (У.Жабборов) билан биргаликда журналнинг бадиий савиясини ошириш, уни расмийлаштириш ҳамда дизайни сифатини яхшилаш мақсадида журналистлар, ёзувчилар, рассомлар ижодий уюшмалари билан мустаҳкам ҳамкорлигини ўрнатиш бўйича чора-тадбирлар белгилаш;

давлат ва хўжалик бошқарув органлари ҳамда маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда мулкчилик шаклидан қатъий назар обуна ишларини ташкил этиш фаолиятини юритиш ҳуқуқига эга бўлган юридик субъектлар орқали даврийлигини қатъий эътиборга олган ҳолда обунани расмийлаштириб, мавсумни уюшқоқлик билан ташкил этиш;

таҳририятни малакали ходимлар (ижодкор ва техник ходимлар) билан тўлдириш;


вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси (У.Жабборов), Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими (Х.Исламова) билан биргаликда янги ташкил этилган журнални аҳолига етказиш ҳамда 2018 йил обунасини уюшқоқлик билан ташкил этиш ва самарадорликка эришиш мақсадида жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириб, олий ўқув юртлари, халқ таълими, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари, бошқарма, ташкилот ва корхоналарнинг меҳнат жамоалари, маҳалла фуқаролар йиғинлари, фермер хўжаликларида ижодий учрашувлар, давра суҳбатлари ва мулоқотлар ўтказиб бориш вазифалари юклансин.

Шунингдек, таҳририят ходимлари ва фаол муаллифлар меҳнатини чоп этилаётган материалларнинг юксак сифатли бўлиши ҳамда таҳририят жамоаси олдида турган вазифаларнинг бажарилиши учун уларнинг масъулиятини оширишни таъминлаш имконини берадиган моддий ва маънавий рағбатлантириб бориш тавсия этилсин.

8. Таҳририят Фарғона шаҳар, С.Темур кўчаси 28-уй манзилига жойлаштирилсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари И.Носиров зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Ш.Ғаниев